Куч — адолатда

2014 йил
21 ноябрь,
жума
№ 47 (508)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилада соғлом фарзанд дунёга келиши ва камол топишини таъминлаш, навқирон авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб вояга етказиш мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишини ташкил этади.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ – ҚУДРАТЛИДИР

Мамлакатимизда жорий йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилаётгани истиқлолнинг дастлабки йилларидан бу борада изчиллик билан амалга ошириб келинаётган кенг қамровли эзгу ишларнинг, том маънода, мантиқий давомидир. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, "Она ва бола йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили", "Оила йили" деб аталган йилларда амалга оширилган ишларга, энг муҳими, халқимизнинг соғлом бола тарбиялашдек олижаноб мақсадига ҳамоҳангдир.

Айтиш керакки, юртимизда бу йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий механизми яратилган. Жумладан, Конституциямизда бола ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатлаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 45-моддасида белгиланганидек, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Шунингдек, Конституциямизнинг 64-моддасига кўра, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Айтиш керакки, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари кафолатланган миллий қонунчилик асослари ривожланган давлатларнинг бу борадаги илғор тажрибаларини ўзида тўлиқ мужассам этган. Бинобарин, юртимизда ўтган даврда бу йўналишда ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Шу йил 13-14 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида Олий Мажлис Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Istiqlol imkoniyatlari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ, "амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни авф этади".

Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент юқори палатасига киритилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқиш асосида сенаторлар амнистия тўғрисидаги мазкур ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканини қайд этдилар.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, ногиронларни (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод қилиш белгиланган. Бундан ташқари қарорда эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши кўзда тутилган.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатишда фуқаролар орасидан энг муносиб шахсларни танлаш ва сайлашнинг қонуний асослари яратилди. Бу соҳадаги миллий қонунчилик ўтган даврда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўтказилган сайловлар натижалари бўйича хулосалар ва мазкур органлар ҳамда сиёсий партияларнинг амалиёти асосида изчиллик билан такомиллаштириб борилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Jarayon

Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Кейинги йилларда Конституциямизга, шунингдек, "Сайловчилар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган қонунларнинг барчаси миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларнинг қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принцип ва нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базасининг шаклланишига олиб келди. Хусусан, амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар эса, сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Шу ўринда Ўзбекистон сайлов тизимидаги бу ислоҳотлар халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам сифатида юқори баҳоланганини таъкидлаш жоиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Меҳнат қилиш — инсоннинг табиий эҳтиёжи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ана шу эҳтиёж иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларимиз қаторида кафолатлаб қўйилган. Асосий Қонунимизнинг 37-моддасида белгиланганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи ҳимояси

аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Бу ҳақда сўз борганда, истиқлолнинг илк кунлариданоқ аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат шароитларида ишлашига эришиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолига қўшимча томорқалар берилди. Корхоналарни қайта жиҳозлаш, модернизация қилишга жиддий эътибор қаратилди. Айниқса, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилгани, умуман олганда, янги иш ўринлари ташкил этиш давлат ва жамиятнинг доимий диққат-эътиборида турган даврда юртимизда аҳоли турмуш даражасини тубдан ошириш борасида муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилди.

Мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва шу тариқа оилаларнинг муносиб ҳаёт шароити ва фаровонлигига эришиш масаласига бугунги кунда ҳам энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Буни Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ўн олтинчи ялпи мажлисида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўриб чиқилгани ва маъқуллангани мисолида ҳам кўриш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 43-модда.



Xabar

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари мажмуи

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Олий суд, Олий хўжалик суди ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишлаб "Конституция ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва прокуратура органларининг роли ва масъулиятининг янада оширилиши" мавзуида илмий-амалий конференция ташкил этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Шартнома мажбурияти

унинг ўз вақтида бажарилиши томонлар манфаатини таъминлайди

Истиқлол йилларида мамлакатимизда мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида олди-сотди, ижара, маҳсулот етказиб бериш каби иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи шартнома ва битимлар тузишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя қилмайдиган шахсларга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Л.БОЛТАЕВА,
Шайхонтоҳур тумани

— Ҳа, белгиланган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасига мувофиқ, майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз муносабатда бўлиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 187-моддасига кўра, жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ҳам жавобгарликка сабаб бўлади. Хусусан, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, боғларда, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қуйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Яқинда турмушга чиқаяпман. Лекин бўлажак турмуш ўртоғим унинг фамилиясига ўтишимни талаб қилаяпти. Айтинг-чи, мен унинг фамилиясига ўтишим мажбурийми?

Г.ТУРСУНОВА,
Сурхондарё вилояти

— Маълумки, Оила кодексининг 20-моддасида эр ва хотиннинг фамилия танлаш ҳуқуқи кўрсатилган бўлиб, унга кўра, никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади. Эр ва хотиндан бирининг ўз фамилиясини ўзгартириши бошқасининг ҳам фамилияси ўзгаришига олиб келмайди.

Бундан уч йил муқаддам бир танишимга квартирамни вақтинча яшаш учун шартнома асосида ижарага берган эдим. Аммо яқинда унинг эътиборсизлиги туфайли уйимга жиддий шикаст етди. Аммо у уйни таъмирлаб беришдан бош тортмоқда. У шундай қилишга ҳақлими?

Г.ҒУЛОМБЕКОВА,
Миробод тумани

— Маълумки, Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосан, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 985-моддасида зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин.

Айтинг-чи, никоҳ шартномаси тузиш мажбурий ҳисобланадими?

З. БАДАЛОВА,
Тошлоқ тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, никоҳ шартномаси тузиш ихтиёрий. Оила кодексининг 29-моддасида никоҳ шартномаси ҳақида сўз юритилган бўлиб, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишуви никоҳ шартномаси ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ давлат рўйхатига олингунга қадар тузилган никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб кучга киради.

Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди

Jarayon

Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу ўринда кимлар депутатликка номзод бўлиши мумкин, деган савол туғилади. Сайлов тўғрисидаги миллий қонунчилигимизда депутатликка номзодларга нисбатан асосий талаблар аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, Конституциямизнинг 77-моддасида қайд этилганидек, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш жоизки, давлат ҳокимияти вакиллик органларига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги муҳим ҳуқуқларидан биридир. Шу нуқтаи назардан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 22-моддасига биноан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва сайловга қирқ беш кун қолганида тугатилади. Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан кўрсатилади.

Янада аниқ қилиб айтганда, сиёсий партиялар депутатликка бир юз ўттиз беш нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатиш ваколатига эгадир. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзод танлаш тартибини сиёсий партияларнинг ўзлари ҳал этадилар. Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзоларини ёки партиясизларни депутатликка номзод этиб кўрсатиш ҳуқуқига эга.

Сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини аёллар ташкил этиши лозимлиги тўғрисидаги меъёр замонавий миллий сайлов тизимининг эътиборга молик жиҳатларидан бири саналади. Мазкур норманинг амалга татбиқ этилиши бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда 2014 йил 21 январда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддаси еттинчи қисми янги таҳрирда баён этилганини қайд этиш ўринлидир. Унга кўра, депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодиётини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилиши мақсадга мувофиқлиги белгиланди.

Табиийки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлиги маҳаллий Кенгашлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Улар томонидан қабул қилинадиган қарорлар фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларига шароит яратишга, жойларда маҳсулот етиштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга, пировардида иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка ҳамда бу соҳадаги кўрсаткичларнинг ўсиб боришига замин яратади. Шу боис мазкур жараёнда иштирок этувчи депутатлардан юксак масъулият талаб қилинади. Сайлов жараёни эса, тегишли ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқаролар орасидан депутатликка муносиб номзодларни танлаш имконини беради.

Депутатликка номзодларга бундай юксак талабларнинг қўйилиши бежиз эмас, албатта. Бинобарин, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол шахс, аввало, жамиятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардор бўлиши, энг асосийси, бу янгиланишлар жараёнининг бевосита иштирокчиси ҳисобланиши, тегишли ҳудуднинг ўзига хос тараққиёт йўлини тўғри баҳолай билиши, қолаверса, муаммоларни самарали ҳал этиш имкониятларидан оқилона фойдаланиш хусусиятларига эга бўлиши давр талабидир.

Президентимиз депутатликка номзодларга қўйиладиган асосий талабларга алоҳида тўхталар экан, "мазкур номзод Конституция, қонунларни ҳурмат қилиши, уларга риоя этиши, халқ ва жамиятнинг ягона манфаати, миллат бирлиги ва аҳиллигини ҳамма нарсадан устун қўйиши, сиёсий маданияти юқори, фаол, бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак", деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги сайлов қонунчилиги мамлакатимизда кўппартиявийлик ва партиялараро рақобатнинг янада кучайиши, натижада ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни ҳис этадиган, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлида куч-ғайратини аямайдиган номзодларнинг депутатликка сайланишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзоди

Qonun ko`magi

Шартнома мажбурияти

унинг ўз вақтида бажарилиши томонлар манфаатини таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда контрактация шартномаси ўзига хос жиҳати ва хусусиятлари билан алоҳида ўрин тутади. Яъни контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўз маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун уни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашилган муддатда етказиб бериш мажбуриятини олади. Ўз навбатида, тайёрловчи бу маҳсулотни қабул қилиб олиш, унинг ҳақини шартномада белгиланган муддатда муайян баҳода тўлаш мажбуриятини олади.

Айтиш керакки, адлия идоралари зиммасига тарафлар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг амалдаги қонунчилигимизга мувофиқлигини таъминлаш ва шартномавий муносабатларда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш устидан назорат ўрнатишдек муҳим вазифалар юклатилган. Бу борада Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам зарурий чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, адлия бошқармаси ходимлари томонидан 2014 йил ҳосилидан пахта хомашёси харид қилиш бўйича 3 146 та, пилла хомашёси етказиб бериш бўйича 2 007 та, минерал ўғитлар етказиб бериш бўйича 3 076 та, нефть маҳсулотлари етказиб бериш бўйича 2 744 та, механизация ёрдамида хизматлар кўрсатиш бўйича 2 516 та, 2015 йилда бошоқли дон харид қилиш бўйича 3 053 та шартнома тузишда томонларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан адлия идоралари томонидан 2014 йилнинг 9 ойи мобайнида тегишли ташкилотларга 64 та тақдимнома, 330 та огоҳнома ва судларга 225 та даъво аризаси киритилди.

Айтиш керакки, адлия бошқармаси томонидан 2014 йил иккинчи ярим йиллик иш режасига асосан туманлардаги "Агротехсервис" МТП масъулияти чекланган жамиятларида шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши ўрганилганда, айрим фермер хўжаликларининг пул маблағини асоссиз ушлаб турилгани аниқланди. Ушбу маблағларни фермер хўжаликларига ундириб бериш учун хўжалик судига жами 96 та — 115 миллион 57 минг сўмлик даъво аризалари киритилди.

Хўжалик суди томонидан ушбу даъво аризалари кўриб чиқилди ва фермер хўжаликларига пул маблағи ундириб бериш таъминланди.

Масалан, хўжалик судининг қарори билан Бухоро туманидаги "Оби Равон" фермер хўжалигининг 3 012 690 сўм, Жондор туманидаги "Худой Барот яйловзорлари" фермер хўжалигига 500 000 сўм, Жондор туманидаги "Моҳон пахтазори" фермер хўжалигига 2 595 579 сўм пул маблағи қайтариб берилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг шартнома тузиш чоғида ёки унинг ижросини таъминлашда масъулиятсизликка ёхуд бепарволикка йўл қўйиши нафақат ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилишига, балки суд қарорлари асосида асосий қарз, давлат божи ҳамда пеня ва жарима суммаларининг ундирилишига сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, шартнома шартларини ўз вақтида ва тўлиқ адо этиш беҳуда вақт йўқотиш, ортиқча харажатларнинг олдини олибгина қолмай, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳамкорлар олдидаги нуфузини янада оширишга, томонлар манфаатини тўлиқ таъминлашга хизмат қилади.

У.ХАҚҚИЕВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дастурга кўра, келгуси йилда мамлакатимизда 987 минг 500 та янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Шу жумладан, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ишламаётган корхоналарни қайта тиклашнинг мақсадли дастурларига мувофиқ, 261 минг 600 та иш ўрни ташкил этилади. Бундан ташқари, кичик корхоналар ва микрофирмаларда, якка тадбиркорлик ва касаначилик соҳасида, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларида 725 минг 900 нафар кишининг бандлигини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашга юртимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган мазкур дастурда мавжуд бўш ва захира қилинадиган иш ўринларига касб-ҳунар коллежларининг 487 минг 700 нафар битирувчисини ишга жойлаштириш кўзда тутилгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келадиган мустаҳкам қонунчилик асоси яратилгани ва миллий қонунларимизни ҳаётга жорий этишнинг пухта амалий механизми ишлаб чиқилгани самарасидир. Ушбу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар нафақат иш берувчилар, айни чоғда, ходимларнинг ҳам қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳамда муносиб тарзда ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан ғоятда аҳамиятлидир.

Жумладан, Меҳнат кодексининг олтинчи бобида меҳнат шартномасининг тузиш, ўзгартириш, бекор қилишга оид қоидалар белгиланган. Шунингдек, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонунда, томонлар ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ва бошқа тор доирадаги (локал) ҳужжатларда меҳнат муносабатлари субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Маълумки, меҳнат муносабатлари иш берувчи ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси асосида вужудга келади. Меҳнат шартномаси эса, Меҳнат кодексининг 72-моддасига биноан, ходимлар билан иш берувчилар ўртасида тузилган битимдир. Ушбу битимга кўра, ходимлар муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда ишнинг бажарилишини зиммасига олади.

Меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади. Меҳнат қонунларига асосан, иш берувчи жамоа шартномасида ва тарафларнинг ўзаро битимида кўзда тутилган иш ҳақини ходимларга тўлаб туриш, шунингдек, меҳнат шароитини таъминлаб бериши лозим.

Шу ўринда фикримизни меҳнатга оид муносабатларга доир низоларнинг судларда кўрилиши мисолида давом эттирамиз. Хусусан, даъвогар Д.Салимова (исм-шарифлар ўзгартирилди) жавобгар вилоят стоматология поликлиникасига нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, ишга тиклашни, бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ҳамда 2 миллион сўм миқдорида маънавий зарар ундириб беришни сўраган.

Биринчи босқич судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби рад қилинган. Шундан сўнг ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан даъвогар Д.Салимова томонидан апелляция шикояти келтирилди. Шикоятда биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш, даъвони қаноатлантириш ҳамда янги ҳал қилув қарори чиқариш сўралган.

Апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини фуқаролик иши материаллари асосида таҳлил қилиб, мазкур низо юзасидан биринчи босқич суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни лозим деб топди. Чунки даъвогар ушбу поликлиникада ҳамшира вазифасида ишлаб келган. Муассаса бош шифокорининг буйруғи асосида Д.Салимовага дастлаб фарзанди икки ёшга тўлгунга қадар, кейин уч ёшга тўлгунча муддатга ўз ҳисобидан қонуний таътил берилган.

Бироқ Д.Салимова таътил муддати тугаганига бир ярим йил вақт ўтган бўлишига қарамасдан ишга чиқмаган. Шу сабабли бош шифокор Меҳнат кодексининг 100-моддасига асосан уни вазифасидан озод қилган. Мазкур буйруққа касаба уюшмаси розилик берган. Ушбу йиғилиш баённомаси поликлиника касаба уюшмаси раиси ва аъзолари томонидан имзоланган.

Istiqlol imkoniyatlari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг қўлланиш тартиби бўйича ҳам Сенат томонидан тегишли қарор қабул қилинди. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатига мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгилаб қўйилган.

Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари ушбу масъулиятли жараёнда фаол иштирок этади.

Бу жараёнга мутасадди идоралар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам фаол жалб этилади.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар йили Конституциямиз талаблари асосида қабул қилинаётган давлат ҳуқуқий кўринишларидан бири — амнистия акти асосида қанчадан-қанча кишилар жазодан озод қилинмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижроси доирасида маҳкумларни нафақат озодликка чиқариш ва оиласи бағрига қайтариш, балки уларнинг соғлиғи, турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ишга жойлаштириш каби чоратадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Амнистия акти — мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга



нисбатан инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахсларнинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутади.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг қонунчилик ҳамда суд ҳокимияти тизимида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган изчил демократик ислоҳотлар олиб борилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Умуман, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига ҳам айнан шу ғоя сингдирилгани алоҳида диққатга лойиқдир. Бинобарин, амнистия акти юртимизда қадимдан амал қилиб келинаётган маънавий қадриятларни, қолаверса, кишиларимиз эъзозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олижаноб фазилатларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган.

Азал-азалдан аждодларимиз доимо аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилган, ўзаро жанжалларни эса, муросаю-мадора асосида бартараф этиб, ҳар қандай низоларга барҳам беришга ҳаракат қилган.

Давлатимиз мустақиллиққа эришганидан буён ўтган 23 йил мобайнида 25 марта амнистия акти эълон қилинди. Бу ҳақда сўз борганда, Президентимиз ташаббуси билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган биринчи амнистия бағрикенг халқимиз ҳаётида энг унутилмас воқеа бўлиб қолганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда 2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш ваколати ҳам судга ўтказилганига эътибор қаратиш зарур. Яъни шу тариқа мамлакатимизда амнистия актини қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Зотан, бу муҳим қадам, ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, юқорида кўрсатилгани каби илғор чораларнинг киритилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида, авваламбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари мужассамлашган. Шу жиҳатдан, амнистия — умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида хато қилган ёки қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилади, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилади.

Бошқача айтганда, амнистия актини қўллаш — ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлмиш гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад — фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оилани ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Агар шу вақтга қадар эълон қилинган амнистия актларининг 1-бандига эътибор қаратсак, уларнинг барчасида, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда хорижий давлатларнинг фуқаролари жазодан озод этилиши назарда тутилганига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, оилада, фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни катта. Баъзан билиб-билмай қилган хатолари, ҳаётда адашганликлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларимиз ортида оиласи, фарзандлари ва яқинларининг тақдири турибди. Шу сабабли Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарори хотин-қизларимизга жамият эътиборини қаратишда, адашганларга эса, яна бир имконият берилишида айни муддао бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, амнистия актини қабул қилишдан асосий мақсад — Конституциямизнинг муқаддимасида белгиланган инсонпарварлик ғояларига содиқликни намоён этган ҳолда, билиб-билмай, адашиб жиноят содир қилган фуқароларни кечириб, уларга янгича ҳаёт бошлашга имконият бериш ҳисобланади. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналишини, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида инсонпарварлик тамойили устувор эканини яна бир бор намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Ғайрат ҲИДОЯТОВ,
Олий суд судьяси

Xabar

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари мажмуи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Мирбобоев, Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Олий хўжалик суди раиси К.Комилов, Бош прокурор ўринбосари Х.Ҳалимов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямиз мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини, тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни таъминлашда бош ҳуқуқий асос бўлиб келаётганини таъкидлади.

Бош қомусимизда у давлат ва халқ иродасини ифода этиши, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи Ўзбекистон халқи экани, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши белгилаб берилган. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар қандай демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарти бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизми шакллантирилди.

Конституциямиздаги инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши принципининг ҳаётга татбиқ этилишида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлар билан бир қаторда суд ҳокимиятининг ҳам муҳим роли бор. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш масалаларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепция ҳаётга татбиқ қилинди. Судлар ихтисослаштирилди, Конституциявий суд, хўжалик судлари ташкил этилди, умумий юрисдикция судлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларга ажратилди. Суд суд қарорларини ижро этиш каби ўзларига хос бўлмаган вазифалардан озод қилинди. Суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди ва қатор бошқа тадбирлар амалга оширилди.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ҳужжатларининг Конституцияга мослигига доир ишларни кўрувчи Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонун нормаларига шарҳ бериш, уларда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилмоқда.

Умумий юрисдикция судлари тизимида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кучайтириш, одил судловнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш борасида доимий иш олиб борилмоқда. Масалан, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш натижасида ўлим жазоси бекор қилиниши ва унинг ўрнига узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланиши, қамоққа олишга санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши, ярашув институтининг жорий этилиши, жуда кўп миқдорда давлат мулкини ўзлаштирган судланувчи етказилган зарарни тўлиқ қоплаганда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазога тортилиши, жазо тури сифатида судланувчининг мулкини мусодара қилишнинг қонундан чиқарилиши, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши инсонпарварлик принципини янада ривожлантирди.

Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни кенг ривожлантириш, ушбу фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада хўжалик судлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборлидир. Фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш каби таъсир чораларининг маъмурий тартибда эмас, балки суд тартибида амалга оширилиши белгиланиши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда адолатни таъминлашга қаратилган муҳим аҳамиятга эга механизм бўлди. Даъво ариза ва бошқа ҳужжатларнинг хўжалик судларига электрон тарзда тақдим этилиши, корпоратив низоларнинг хўжалик судлари тааллуқлилигига ўтказиш, видеоконференцалоқа режимида суд мажлисларини ўтказиш каби тадбирларнинг жорий этилиши ҳам бу борадаги салмоқли ишлардандир.

Прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси бўйича зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Прокуратура органларининг алоҳида эътибори фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, суд ва прокуратура органлари, вазирлик ва идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, таълим муассасалари вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этган конференцияда суд ва прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва масъулиятини ошириш юзасидан таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Maslahat

Мерос гувоҳномаси

у кимларга ва қандай тартибда берилади?

Маълумки, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин ҳам берилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб топилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Ҳуқуқи ҳимояси

аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ва жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Даъвогар даъво аризасида меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида чиқарилган буйруқ нусхаси ўзига берилмагани, поликлиника бош шифокори кейинчалик уни ишга қабул қилиши ҳақида алдаб келганини важ қилиб кўрсатган.

Бироқ поликлиника ходимлари томонидан тузилган далолатномадан кўринишича, Д.Салимова буйруқ нусхасини атай олмаган. Бундан ташқари даъвогар бу борада меҳнат низолари комиссиясига, судга ёки муассасанинг юқори турувчи идорасига мурожаат қилмаган. Бинобарин, даъвогар таътил тугагач, ишга чиқиши ва иш фаолиятини давом эттириши лозим эди.

Шу ўринда Меҳнат кодексининг 270-моддасига тўхталиш жоиз кўринади. Чунки ушбу моддада меҳнат низосини ҳал қилишни сўраб судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат қилиш муддатлари белгилаб қўйилган. Жумладан, ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой, ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил, бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддат белгиланган.

Д.Салимованинг апелляция шикоятига қайтадиган бўлсак, апелляция инстанцияси суди Меҳнат кодексининг юқорида қайд этилган 270-моддасига асосан, ишга тиклаш низолари бўйича мурожаат этиш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли биринчи босқич суди томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Меҳнат низолари билан боғлиқ ишлар судда кўрилишида муддатли меҳнат шартномаси билан боғлиқ ишларга ҳам тез-тез дуч келинмоқда. Бу ўринда муддатли меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 105-моддасига кўра, муддати тугаши билан бекор қилинишига эътибор қаратиш зарур. Борди-ю, муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади.

Масалан, даъвогар С.Ҳакимов икки ойлик меҳнат шартномаси муддати тугагандан кейин ҳам меҳнат фаолиятини давом эттирган. Вилоят педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбари бунга эътироз билдирмаган, шартнома муддати тугагач, уни бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқармаган. Орадан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида бир ҳафталик муддат ўтиб кетгач, бу ҳақда буйруқ чиққан. Институт раҳбарияти, Меҳнат кодексининг 105-моддаси талабини бузган ҳолда, С. Ҳакимов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарган.

Биринчи босқич суди Меҳнат кодексининг 111-моддасига асосланиб, ходимни аввалги ишига тиклаган. Меҳнат кодексининг 112-моддаси талабига риоя қилган ҳолда, суд ходимнинг ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилганида унга етказилган моддий ва маънавий зарар, шунингдек, бекор юрган кунларига ҳақ тўлашни иш берувчи зиммасига юклаган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқининг кафолатли ҳимояси аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик. Меҳнат ҳуқуқлари ходимнинг ҳам, иш берувчининг ҳам қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилади.

Муродбек ЗУЛФИҚОРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч - адолатда" газетаси мухбири

Giyohvandlik — asr vabosi

Гиёҳвандлик – соғлом ҳаёт кушандаси

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, халқимизнинг саломатлиги ва ҳаётининг хавфсизлигини асраш ҳамда ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш энг устувор вазифалардан бири саналади.

(Давоми тўртинчи бетда)

E`tirof

Фарзандлари соғлом юрт – қудратлидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, 2008 йил 7 январдан кучга кирган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"-ги қонунга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Мазкур қонуннинг 4-моддасида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати белгиланган. Жумладан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, унинг камситилишига йўл қўймаслик, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлашдан иборатдир.

Қонун талабига кўра, болаларда ватанпарварлик, фуқаролик, бағрикенглик ва тинчликсеварлик туйғуларини тарбиялаш, уларни Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш, илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳам шундай устувор вазифалар жумласидандир.

Юртимизда болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини қатъий ва ишончли таъминлаш мақсадида замонавий ҳуқуқий негиз узлуксиз равишда янгиланиб, янада илғор қонун нормалари яратилаётгани эътиборга лойиқдир. Хусусан, 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун шу жиҳатдан айниқса, аҳамиятлидир.

Ушбу қонунга кўра, Фуқаролик-процессуал кодекси янги 31[1]-боб ҳамда 285[1]-285[7]-моддалар билан тўлдирилди. Шунингдек, Оила кодексининг бир қатор моддаларига ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Миллий қонунчиликдаги бу янгиликларнинг моҳияти шундаки, ушбу қонунга кўра, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига берилади. Қонунда, шунингдек, болани фарзандликка олишни истаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги тегишли вилоят, туман, шаҳар судига берилиши мустаҳкамланди.

Айтиш жоизки, Фуқаролик-процессуал кодекси янги 31[1]-боб билан тўлдирилгунига қадар фарзандликка олиш масаласи болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг аризаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокимлари томонидан кўриб чиқилиб, ҳал этиларди. Натижада амалиётда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари айрим масъул ходимлари етарли юридик маълумотга эга бўлмаганлиги боис болаларни фарзандликка олиш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда айрим камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари кузатиларди.

Шунингдек, Оила кодексининг "Болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш" ҳақидаги 107-моддаси янги таҳрирда баён этилди. Ушбу модданинг аввалги матнида вояга етмаган болани ота-онасидан олиб, уни болалар тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги ҳал қилув қарорини чиқаришда судлар томонидан ота ва онанинг ҳар биридан ушбу муассаса фойдасига Оила кодексининг 99-моддасида белгиланган микдорда алимент ундириш белгиланган бўлса, янги қонунга биноан, алиментлар эндиликда муассаса фойдасига эмас, балки айнан боланинг фойдасига ундирилади.

Яъни қонунчилигимизда ундирилган алиментлар тарбия муассасасига топширилаётган боланинг номига очилган банк ҳисоб варағида жамланиши ва бола вояга етганда унга тўланиши мустаҳкамлаб қўйилди. Янада аниқ қилиб айтганда, тарбия муассасасини тамомлаган ва янги ҳаётни бошлаётган битирувчининг ўз шахсий жамғармаси бўлиши қонунан кафолатланди.

Оила кодексининг "Фарзандликка олиш" деб номланган 151-моддаси ҳам янги таҳрирда баён этилди. Илгари фарзандликка олиш шахсларнинг аризаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра, туман, шаҳар ҳокимликларининг қарори билан амалга оширилган бўлса, эндиликда бу туман, шаҳар ҳокимлари ваколатидан чиқарилиб, судларга ўтказилди. Мазкур жараёнда васийлик ва ҳомийлик органи масъулияти янада оширилди.

Оила кодексининг 151-моддаси 3-қисмига кўра, фарзандликка олиш фарзандликка олувчи, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилиши қатъий белгиланди. Бу билан фарзандликка олиш жараёни фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларини тўла ҳимоя қиладиган, барча шарт-шароитни яхши биладиган масъул давлат органларининг бевосита иштироки таъминланган ҳолда амалга оширилиши мустаҳкамланди.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, айни вақтда юртимизда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган оилада меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятлар барқарорлигини таъминлаш, ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш каби устувор вазифаларнинг изчил ижроси таъминланмоқда. Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соғлом бола тарбияси ҳақидаги фикрларимизга хулоса ясар эканмиз, ҳозирги кунда Ўзбекистонда вояга етаётган болаларнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стандартларига тўла мос келишини алоҳида таъкидламоқчимиз. Мамлакатимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи йилдан-йилга ошаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Шу билан бирга, ўсиб келаётган авлод саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида юртимизда болалар ўлими кескин камайди, юқумли касалликлар тарқалишининг олди олинмоқда. "Она-бола" скрининг давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши туфайли ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,8 марта камайди.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган бундай ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофазалашга оид миллий модели тараққий этган мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани бунинг яққол далилидир.

Буларнинг барчаси соғлом онадан соғлом бола туғилади, деган эзгу тамойилнинг амалдаги ифодасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур.

Бахтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судининг судьяси

Maslahat

Мерос гувоҳномаси

у кимларга ва қандай тартибда берилади?

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Давлат нотариуси қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулк таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга чақирилади. Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолда, бундай никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайди.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади.

Фируза АЗИМОВА
Олий суд катта консультанти

Giyohvandlik — asr vabosi

Гиёҳвандлик – соғлом ҳаёт кушандаси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Зотан, иқтисодиётимизнинг изчил суръатларда ривожланиб бораётгани, турмушимиз фаровонлиги ва ободлиги кун сайин юксалаётгани айнан ушбу вазифа ижросининг амалда тўлиқ таъминланаётгани билан чамбарчас боғлиқ, десак, хато қилмаймиз. Бироқ соғлом турмуш тарзимизга, ҳаётимиз хавфсизлигига раҳна солувчи терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси каби қабиҳ қилмишларнинг учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Биргина гиёҳвандфурушлик жинояти хусусида тўхталадиган бўлсак, бу иллат эндиликда жаҳон ҳамжамиятини чуқур ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Гиёҳвандлик домига илинган кимса нафақат инсонийликка хос фазилатларни, айни чоғда, ўзининг зиммасидаги бурч ва мажбриятларни ҳам буткул унутади. Энг ачинарлиси, гиёҳванд моддаларни пуллаш эвазига ўз ҳамёнини қаппайтираётган кимсалар аксарият ҳолларда ғўр ва тажрибасиз ёшларни ўзининг чиркин тузоғига илинтиришдан ҳам тап тортмайди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда гиёҳвандлик моддалари савдосининг олдини олиш ва бу иллатга қарши курашиш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Бинобарин, амалдаги Жиноят кодексининг 270-275-моддаларини ўз ичига олган XIX боби "Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланиб, ушбу жиноятни содир этганлик учун жиноий жазо чоралари белгилаб қўйилган. Шу ўринда ҳаётий мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, тўрт нафар фарзанднинг отаси Н.Тўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган) мўмай пул топишнинг осон йўлини танлайди. У Наманган шаҳридаги "Чорсу" деҳқон бозорига қўшнисига тегишли "Damas" русумли автомашинада бориб, Дилшода исмли аёлдан 201,38 грамм гиёҳвандлик воситасини 500.000 сўмга сотиб олади. Бироқ айнан ўша дамда у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига кўзи тушиб қолади ва шошапиша гиёҳвандлик воситасини бир четга улоқтириб, қочиб кетади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари жиноятчи томонидан улоқтириб юборилган полиэтилен қопча ичида 14 бўлакдан иборат гиёҳвандлик воситаси борлигини аниқлашади.

Шундан сўнг Н.Тўраев бу қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна шундай қабиҳ ишга қўл уради. Аниқроқ айтганда, оғуфурушликни ўзига касб қилиб олган бу кимса Чортоқ туманидаги Ҳазратишоҳ қишлоғида яшовчи К.Салимовга 333,51 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини 3.500.000 сўмга пулламоқчи бўлиб турганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинади.

Н.Тўраев ўзининг бу қилмиши билан амалдаги Жиноят кодексининг 28, 246-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор, деб топилди.

Суд содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда Н.Тўраевга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, оғуфурушликни касб қилиб олган кимсалар, эртами-кечми, қонун олдида жавоб беришга, ўзининг қабиҳ қилмиши учун афсус-надомат чекишга мажбур бўлади. Шундай экан, ҳар биримиз нафақат ўз оиламиз, айни чоғда эл-юртга наф келтирадиган ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлиш умримизга файз ва мазмун бағишлашини доимо ёдда тутайлик.

Мансур ИБРАГИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судининг судьяси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

G`aroyib olam

Инсоният ўз тараққиёти давомида, табиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, бир қатор ихтироларга қўл урган. Эътиборлиси шундаки, бу ихтиролар орадан кўп аср ўтса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан, бугунги кунда аниқ йўналишни кўрсатадиган компас деярли ҳеч кимни таажжубга солмайди. Бироқ унинг тўғри ишлаши ва аниқ йўналишни кўрсатишини далиллаш учун ўз вақтида илғор фикрли кишилар тинимсиз изланишлар олиб боришган. Аслида илк компас Хитойда ихтиро қилинган бўлиб, унинг муаллифи номаълум. Хитойликлар илк бора уни "чанана" деб аташган. Ўша пайтда вьетнамлик сайёҳлар Хитойга ташриф буюришади ва маълум вақт ўтгач, ўз юртларига қайтишади. Аммо улар йўлда адашиб қолиб, яна Хитойга қайтиб келишади. Шунда маҳаллий аҳоли уларга антиқа аравача совға қилади. Ўртасида қўлини олдинга узатиб турган ҳайкалча ўрнатилган бу аравачани қай томонга бурманг, ҳайкалча айланиб, қўли билан фақат жанубни кўрсатиб тураверарди. Ўшанда вьетнамликлар шу аравача — "чанана" ёрдамида ватанига адашмай етиб олишган экан.

Айтиш керакки, бугун қўлланиладиган ҳар бир сўз, ибора ва тушунчанинг ўзига хос тарихи бор. Масалан, фанга маълум бўлишича, "кириш тақиқланади" ёки "кириш ман этилади" деган ибора жуда қадим замонда, аниқроғи, тош асрида ҳам қўлланилган экан. Яқинда бир гуруҳ олимлар Испаниянинг Пасиега ғоридаги катта тошга битилган қадимий битикларни ўқишга муваффақ бўлишди. Агар уларни ҳозирги замон тилига ўгирадиган бўлсак, "Бу ерга кириш ман этилади" деган сўзлар битилган экан.

Ер силкинишини ўлчайдиган биринчи ибтидоий қурилма хитойлик фалакиётшунос олим Чжэн Хэн томонидан 132 йилда яратилиб, ўз даврида жуда машҳур бўлган. Қурилманинг гардиши 2 метрлик бронза идишдан ясалган, сиртига 8 та аждаҳо боши жойлаштирилган. Ҳар бир аждаҳонинг оғзига кичкина шар, идиш ичига эса, тебрангич ускуна жойлаштирилиб, унга аждаҳоларнинг боши тортиб боғланган. Тебрангичлар айнан ер силкиниши пайтида ҳаракатга келган. Энг қизиғи, ер силкиниши қайси томондан бошланса, тебрангичга маҳкамланган ўша томондаги аждаҳо оғзидан отилиб чиққан шар идиш тагига ўрнатилган косачага келиб тушган. Ҳозирги кунда ер юзининг барча бурчакларида замонавий асбоблар билан жиҳозланган ва аниқ вақт бўйича ишлайдиган сейсмик станциялар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Кези келганда яна шуни қайд этиш жоизки, бу дунёда музейларнинг яратилиш тарихи ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хусусан, дунёдаги энг биринчи музей милоддан аввалги III асрда Мисрдаги Искандария шаҳрида барпо этилган. Европада эса, музейнинг пайдо бўлиши буюк географик кашфиётлар — Уйғониш даврига тўғри келади.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши билан юзага келган танга пуллар деярли бир вақтда, яъни милоддан аввалги VIII-VII асрларда Лидия ва Юнонистонда пайдо бўлган. 1152 йилда Син империяси томонидан илк қоғоз пулларни жорий этилгани билан муомаладаги танга пулларнинг аҳамияти кескин пасайган.

Бугунги кунда жаҳоннинг барча ривожланган давлатларида темир йўл транспорти етакчи ўринни эгаллайди. Унинг пайдо бўлиш тарихи эса, қирол Людовик номи билан боғлиқ. 1764 йилда Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр келадиган темир йўл қурилиб, унга фақатгина қирол араваси ўрнатилган ва у кўплаб хизматчилар ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

Венадаги машҳур "Пратер" хиёбонидаги энг кўҳна чархпалак бугунги кунда ҳам ҳаракатланаётганига нима дейсиз? Тахминан 100 йил муқаддам австриялик ва англиялик моҳир муҳандислар томонидан ҳамкорликда яратилган мазкур қурилманинг бўйи 65 метр бўлиб, ўз даврида техника мўъжизаси сифатида катта шуҳрат қозонган.

Маълумки, фотография тарихидаги энг дастлабки сурат Жозеф Нэнс томонидан 1825 йилда олинган — от етаклаган бола тасвиридир. Яқинда мазкур сурат кимошди савдосида ярим миллион фунт стерлингга сотилган. Иситма туширадиган аспирин дориси эса, бундан бир аср муқаддам немис кимёгари Феликс Хоффман томонидан ишлаб чиқарилган бўлсада, ёзувчи Антон Чехов томонидан оммалаштирилган. Эндиликда эса, одамзот йилига тахминан 100 миллиард дона аспиринни истеъмол қилар экан.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.
Буюртма: Г-1122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6996.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 19[30] Топширилди: 20[30]